

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**270** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарори)

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарорининг 8-бандига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 5 июнь,  
153-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2009 йил 5 июндаги 153-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори 5-бандининг бешинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 51-модда) қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«бюджет ташкилоти балансида бўлган давлат мулкани ижарага беришдан қонун ҳужжатларига мувофиқ олинган маблағларнинг бир қисми».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2000 йил 23 октябрдаги 411-сон қарори 5-бандининг иккинчи ва учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.